



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 10 декабрь, № 258 (9153)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро автомобиль федерациясининг (FIA) Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Бош ассамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган ушбу нуфузли ташкилотнинг президенти Муҳаммад бин Сулайм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда делегация таркибида FIA Сенати президенти Кармело Санс де Баррос ҳамда мобиллик

ва туризм бўйича вице-президенти Тим Ширман ҳам иштирок этдилар. Автоспортни тартибга

солувчи ва йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб қилувчи ушбу глобал ташкилот билан ўзаро манфа-

атли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Муҳаммад бин Сулайм

Ўзбекистонда амалга оширилаётган профессионал ва оммавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида жисмоний фаолликни ошириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни юқори баҳолади.

Мамлакатимизда автомобиль спортининг катингдан тортиб, то "Формула" пойгаларигача бўлган барча йўналишларини ривожлантиришда яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди.

FIA университетининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўзбекистонлик пойгачилар, катинг ҳайдовчилари, муҳандислар, конструктор ва механикларни тайёрлаш, Ўзбекистонда замонавий автоспорт инфратузилмасини яратиш, пилёда ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда мазкур халқаро ташкилот шафелигида халқаро

мусобақалар, аввало, "Формула-1" босқичларини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида мамлакатимиз етакчиси Халқаро автомобиль федерацияси билан ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистонда автоспортни халқаро стандартларга мувофиқ оммалаштиришга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун FIA раҳбарига давлатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" орденини топширди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон 2019 йилдан буён федерациянинг фаол аъзоси ҳисобланади. Ўтган йили Самарқандда FIAнинг 120 йиллигига бағишланган навбатдан ташқари Бош ассамблеяси бўлиб ўтган эди. Бу йилги тадбир доирасида 12 декабрь куни "Hupo Arena" мажмуасида юқори мартабали хорижий меҳмонлар ҳамда чемпион пойгачилар иштирокида энг намунали спортчилар ва жамоаларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

АГРАР СОҲА: МОЛИЯЛАШТИРИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 декабрь куни пахтачилик ва ғаллачиликни молиялаштиришни самарали ташкил этиш ҳамда аграр соҳада субсидиялар ажратиш янги тизими юзасидан тақдимот билан танишди.

Тақдимот аввалида жорий йилда соҳага йўналтирилган молиявий ресурслар ва уларнинг натижалари ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, пахтачилик ва ғаллачиликни молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ва сув тежовчи технологияларни жорий этишга жами 29 триллион сўм ажратилди. Соҳага 2,35 триллион сўм субсидиялар йўналтирилди.

Ўз маблағидан пахта етиштирган хўжаликларга пахта қиймати-нинг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилиши натижасида 3 430 фермер хўжалиги ва кластер 151 минг гектар майдонда ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирди ва 1,9 триллион сўм ресурс тежалди.

Ёки пахта етиштиришга олин-

ган кредитни жорий йил якунига қадар тўлиқ қайтарган фермерларга фоиз тўловининг 4 фоиз бандини қайтариб бериш имконияти туфайли 9 002 та фермер 2,5 триллион сўм имтиёзли кредитларни муддатидан олдин қайтарди.

Келгуси йилда пахта ва ғалла ҳосили, субсидия ва бошқа харажатларга жами 34,2 триллион сўм ажратиш режалаштирилгани, қўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб этилиб, 800 та пахта териш машинаси харид қилиниши айтиб ўтилди ҳамда бу борада тақлиф этилаётган янги қўллаб-қувватлаш механизмлари қўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДАГИ АНИҚ ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот билан танишди.

Танқидий руҳда ўтган йилгилишда ишга солилмаётган имкониятлар, бу борадаги суствашликлар кўрсатиб ўтилди.

Йилгилишда "маҳалла еттилиги" аъзоларининг иш самарадорлигини баҳолаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмаслиги, уларнинг асосий вазифаси бўлган ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. "Еттилик" фаолияти аҳоли

бандлиги ва даромадлари ортишида бевосита ақс этиши шартлиги, мазкур йўналишда манзилли ва натижага йўналтирилган ишларни қўлқайтириш зарурлиги қайд этилди. Маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда, аввало, уларнинг муаммолари ва "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш, тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Шунингдек, аҳоли муносабатларини бевосита ма-

ҳалланинг ўзида ҳал этишга эътиборни қўйишга вазифаси қўйилди.

Оғир тоифадаги маҳаллалар бўйича амалга оширилаётган ишлар қўриб чиқилди. Ушбу ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиб инфратузилма, электр таъминоти, интернет тармоғи, томорқадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш топширилди.

(Давоми 2-бетда).



РАҚАМЛАШТИРИШ САЛМОҒИ ОШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев автомобиль йўллари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Охириги уч йилда соҳада бажарилган ишлар, молиялаштириш ҳажми ва амалий натижалар ҳақида маълумот берилди.

Ушбу давр мобайнида автойўл соҳасига қарийб 40 триллион сўм ажратилиб, 63 минг километр йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Соҳага хориждан жалб қилинаётган маблағлар 3 баробар ошди, 2025 йилда 1,2 миллиард долларга етди. Йўл қурилишида намунавий андозалардан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятларидан келиб

чиққан ҳолда лойиҳалаштириш амалиёти жорий этилди. Замонавий турдаги қопламалар ишлаб чиқилиб, йўлларнинг хизмат муддати 1,5 баробарга оширилди. Тақдимотда соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлиф ва режалар тақдим қилинди. Аввало, мавжуд умумий фойдаланишдаги ва ички йўллар ҳамда кўприкларни таъмирлаш, янгиликларни барпо этишда илгор таъриба ва жаҳонда ўзини оқлаган технологиялардан фойдаланиш суствили қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, соҳа ривожини янги босқичга қўтариш, интенсив агротехник усулларни қўллаш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илгор инновацион технологиялар ва замонавий илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш, юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги самарали фаолияти, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

Абдурахмонов Абдунаби Абдураимович — Шароф Рашидов туманидаги «Қўргонтепа» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Матниёзов Пўлат Ёқубович — Богот туманидаги «Ёқуб бобо ўғли Омон» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Комилов Турсунбой — Тўрақўрғон туманидаги «Комилов Турсунбой» кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Наманган вилояти

Маширипов Уктам Рустамович — Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Рузиев Зафар Шаропович — Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **Саноев Ёдгор** — Вобкент туманидаги қишлоқ хўжалиги бўйича «Хайробод» худуди раҳбари, Бўҳоро вилояти

Ғаниев Шухрат Мадаминович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони билан

Наджимов Марат Фахриевич — «Ўзсувлойдха» акциядорлик жамияти бош директори

Саидов Юсуп Маматович — Узун тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси муҳандис-гидротехниги, Сурхондарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

Юсупова Гулбахар Эркиновна — Беруний туманидаги «KKR Ipak Cluster» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Гафуров Хусанбой Абдуллаевич — Оптиарик туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Дадажанов Абдувоҳит Тошпўлатович — Учқўрғон туманидаги «Тошпўлат хожи ота» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Бектураев Умнат Аббасович — Ховос туманидаги «Ховос гулшани» бодқорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Ерматова Диларом — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети экология ва яшил ресурслар кафедраси мудири

Исмоилов Фарходжон Воҳобович — Сурхондарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Комилова Замира Шукуллоевна — «Ғиждувон ипак тола» масъулияти чекланган жамияти худуд агрономи, Бўҳоро вилояти

(Давоми 2-бетда).



365 КУН:



Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётига янгиликлар суръатини бахш этувчи тезкор ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Мамлакатимиз тараққиёт йўлида дадил одимлар экан, иқтисодиётнинг анъанавий соҳалари жадал ривожланиш, давр талабларига мос равишда янги йўналишлар ҳам шаклланимоқда. Ўзбекистон инвестициялар ҳажми бўйича ҳам янги рекордлар ўрнатган ҳолда халқаро майдонда ўз нуфузини ошириб, ишончли ва ҳамкорлик

қилса бўладиган давлат сифатида намоён бўлмоқда.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги янгиликлар жараёни давом эттирилиб, ижтимоий сиёсат изчил ислохот қилинмоқда. Аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича замонавий механизмлар йўлга қўйилган, давлат хизматларининг сифати яхшиланмоқда. Халқ билан очик мулоқотнинг самарали тизими шаклланди. Яъни йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолар бугун аниқ ва адолатли ечимини топмоқда. Буларнинг ҳаммаси эса жамиятда дадиллик ва ишонч ҳиссини мустаҳкамлаётти.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ютуқлари алоҳида ўрин тутади. Янги Ўзбекистон бугун Марказий Осиёдаги интеграция жараёнининг ҳал қилувчи драйверига айла-

ниб, минтақавий ҳамкорлиқнинг янги даврига асос солди. Дунёдаги етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқлиқ, ўзаро ҳурмат ва очикликка асосланган муносабатлар мустаҳкамланди. Миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган прагматик ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида масъулиятли ва ҳурматга сазовор давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олди.

Албатта, бундай оламшумул янгиликни ўз ўзидан бўлгани йўқ. Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйилиши, ҳаётимизнинг барча соҳасида чуқур ислохотлар амалга оширилиши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона етакчилиги туфайли рўёбга чиқди. Давлатимиз раҳбарининг кундалик фидокорона фаолияти Ватанимиз ва халқимиз манфаатларини таъминлашга, Ўзбекистоннинг жа-

ҳондаги обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу фаолият — барчамиз учун Ватан ва халқ равнақи йўлида масъулият ҳисси билан хизмат қилиш намунаси.

2025 йил ҳам ислохотлар йўлидан илгарилашда муҳим босқич бўлди. Унда кўп йиллик саъй-ҳаракатларнинг натижаси, айниқса, ёрқин ифодасини топди. Газетамиз тахририяти йил якунларини сарҳисоб қилар экан, шундай ҳулосага келдикки, улкан ўзгаришларнинг қўламини битта мақолада ақс эттириш имкони йўқ. Шу боис ҳам биз янги лойиҳани бошлашга қарор қилдик, лойиҳа номи эса — "365 кун: Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт одимлари".

Газетамиз сонларида давлатимиз раҳбари — Янги Ўзбекистон меъмори томонидан амалга оширилаётган улкан ишлар, юртимизда юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришларни ойма-ой

хронологик шарҳ сифатида тақдим этмоқчимиз. Расмий хабарлар, таҳлилий материаллар ва воқеалар иштирокчиларининг фикрлари асосида ўтиб бораётган йилнинг солномасини яратамиз. Ушбу лойиҳа маҳаллий ва хорижий экспертларнинг мулохаазалари, шунингдек, жамоат арбоблари ва фуқароларнинг янгиликларни жараёни ҳамда ислохотлар натижалари бўйича берган баҳолари билан тўлдирилади.

Янги лойиҳа — нафақат тахририятнинг ташаббуси, балки ўз етакчиси раҳбарлигида янгиликлар сари дадил бораётган мамлакатнинг босиб ўтаётган йўлини ақс эттирувчи йилнома. Бир сўз билан айтсак, бу — ютуқлар солномаси.

3-саҳифага қаранг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Латинов Султонбой Аллаёрови — Давлатлараро «Амударё» ирригация каналлари бошқармасининг Тошсоқа бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти

Мадумарова Мухаббатхон Юсуфжоновна — Улўғнор туманидаги «Юсуфжон ери» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Андижон вилояти

Нишанбаев Саидкарим Абдухокимови — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари

Нормуродов Парда Боймирови — Ғузор туманидаги «Пакчамар қорақўлчилик» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Рахимова Манзура Ривохиддиновна — Норин туманидаги «Норин агропилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Ризаев Абдуразок Маманови — Кармана туманидаги «Севолтепа равнақи» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Навоий вилояти

Сейфуллаев Бахтияр Кемалови — Тахтакўпир тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси етакчи муҳандис-гидротехниги, Қорақалпоғистон Республикаси

Тухтакузиев Абдусалим — Қишлоқ хўжалиғини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тўпроққа ишлов бериш машиналари лабораторияси мудири

Узаков Улўғбек Юлдашеви — Қашқадарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари

Хасанова Мухаббат Мамарахимовна — Бахмал туманидаги «Гўлбулоқ сабзавотлар макони» фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Хатамов Жахонгир Жураеви — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

Холмиразев Дустмухаммад — Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, қорвачилик ва биотехнологиялар университетининг йиллов қорвачилиғи, қорақўлчилик, асалари-чилик ва ипакчилик кафедраси профессори

Чариева Хилал Дустмуратовна — Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг интенсив навлар селекцияси лабораторияси мудири, Сурхондарё вилояти

Шеназаров Баходир Маманазарови — «Норин-Фарғона» ирригация тизими бошқармаси бош мутахассиси, Фарғона вилояти

Юсупов Ғафуржон — Бекобод туманидаги «Юсупов Обид фойз» кўп тармоқли фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси, Тошкент вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдулазизов Облакүл — «Мирза-Пай» ирригация тизими бошқармаси каналлари катта муҳандис-гидротехниги, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Нурали Юсуфалиеви — Агросаноатни ривожлантириш агентлиғи директори

Абдурайимов Жасурбек Одилови — Балиқчи тумани ҳокими, Андижон вилояти

Абиллаев Уразбой — Дон ва шולי илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборатория мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Даришев Шавкат Тураеви — Дўстлик тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Зайтов Зияутдин Имаматдинови — Нукус тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

Зядуллоев Абдурахим Норови — Саросиёв туманидаги «Фахридин асалчи» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Каримов Раҳмон Қаҳорови — Бухоро туманидаги «Карим Қаҳор» фермер хўжалиғи бошлиғи, Бухоро вилояти

Комиллов Баҳром Уринови — Фарғона вилоятидаги «Ferghana Spinning» пахта-тўқимачилик кластери раҳбари

Қўлдашева Муктасархон Абдумуталибовна — Булоқ-боши туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Андижон вилояти

АГРАР СОҶА: МОЛИЯЛАШТИРИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, 2026 йилда агротехник тадбирлар, шу жумладан, плёнка ва эгилувчан кувурлар учун қўшимча 5 триллион сўм ажратиш тақлиф қилинди. Ҳосил етиштиришда кредит лимитининг 50 фоизигача фойдаланганда, сотилган пахта қўйматиининг 5 фоизи миқдорда субсидия ажратилса, ўз маблағи ва қисман кредит хисобидан ҳосил етиштирадиган фермерлар сони 4-4,5 мингга етиши ва уларнинг 2,5-3 триллион сўм маблағи иқтисод бўлиши таъкидланди.

Ҳозирда фермерларга кредит ажратишда молиявий барқарор хўжалиқларга ҳам, тўлов интизомига риоя этмаётганларига ҳам бир хил фойз ставкаси қўлланмоқда. Шу муносабат билан, фермерлар орасида “интизомли бўлиш — арзон кредит” моделини шакллантириш учун “А” кредит рейтингига эга хўжалиқларга 2 фоизга, “В” тоифадагиларга 1 фоизга пайсантирилган ставкада кре-

дит ажратиш ва шу орқали интизомли фермерларнинг кредит юқини камайтириш тақлиф қилинди.

Шунингдек, ўз маблағи хисобидан бугўдй етиштирган фермерларга 10 фойз субсидия ажратиш ташаббуси билдирилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 22 ноябрдаги “Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тудан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ аграр соҳада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи ҳузурида Аграр соҳада тўловлар агентлиғи ташкил этилди.

Тақдимотда агентликка юклатилган вазифалар ижроси қандай ташкил этилиши кўриб чиқилди.

Ҳозирги ватда қишлоқ хўжалиғида 52 турдаги субсидия ажратилмоқда. Янги тизимда ушбу жараён соддалаштирилиб, инсон омилы тудан қисқартирилиб, бюрократия камайтирилади, аризаларни кўриб чиқиш тўлиқ

ангилаш”, “1 минг гектар мевали бог”, “Экспортчи кооперативлар” каби дастурлар билан 1 миллион нафар камбағал аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.

Камбағаллар ва ишсизликни камайтиришда маҳаллаларда кичик ва ўрта лойиҳаларни амалға ошириш, жумладан, чегара ва анклав ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, туңу кун ишлайдиган кўчалар, туристик маҳаллалар, микросаноат марказларини ташкил этиш, соҳил ва йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тақдимот қилинди.

Бандлик оғналари — иш берувчилар ҳамқори”, “Тенг имкон — инклюзив бандлик”, “Барқарор келажақ сари”, “20 та маҳаллий бренд”, “Бир контур — бир тамакулот”, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш”, “Ижара ер ва томорқада сув таъминотини яхшилаш”, “Эски боғларни

рақамлаштирилади ва барча жараёнлар “Агропортал” орқали амалға оширилади.

Бунинг учун, “Агросубсидия” ахборот тизимиға 10 дан ортиқ вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари интеграция қилинади.

Жумладан, 2026 йил учун мўлжалланган 1,3 триллион сўмлик субсидияларни талабгорлар иштироки зарур бўлмаган ҳолда давлат идоралари томонидан проактив тарзда, қолган субсидиялар айрим келишиш, ҳулоса олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш босқичларини қиқариб ташлаган ҳолда соддалаштирилган тартибда, ортиқча оворагарчиликсиз берилади. Натижада субсидия ажратиш муддатлари кескин қисқаради.

Давлатимиз раҳбари молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш, субсидияларнинг манзиллиги ҳамда тезкорлиғини таъминлаш, барча жараёнларни рақамлаштириш ва фермерлар учун қулай шaroит яратиш юзасидан мутасаддиларға аниқ топшириқлар берди.

Бандлик дастурининг 2025 йилдаги ижроси ва 2026 йилги дастурни шакллантириш, норасмий бандликни қисқартириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз мутасаддиларға маҳаллалардаги масалаларни манзилли ҳал қилиш, аҳоли эҳтиёжлари асосида амалий ишлар самарадорлиғини ошириш, бандлик ва камбағалликни қисқартириш борасидаги вазифаларнинг юксак масъулият билан ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Жамғармалари даромадлари эса 78,6 трлн. сўм, харажатлари 74,4 трлн. сўм (бюджетлараро трансфертлар ҳисобға олинмаган ҳолда) миқдорида белгиланмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда туризми ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини кенгайтириш учун қулай

Таъкидланганидек, 2026 йилда Давлат бюджети харажатлари 402,6 трлн. сўмни, даромадлари эса 368,9 трлн. сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Давлат мақсадли

РАҚАМЛАШТИРИШ САЛМОҒИ ОШАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Келгуси йилларда 21 минг километр йўллари қуриш ва таъмирлаш, 14 минг километр тўпроқ йўллари шағаллаштириш ҳамда 325 та кўприкни таъмирлаш режалаштирилган. Бунда хорижий экспертлар ва технологияларни кенг жалб қилиш, илгор стандартларни жорий қилган ҳолда ишни ташкил этиш топширилди.

Оғирлиғи меёрдан ортиқ юк автомашиналарининг ҳаракатлангани оқибатида 1800 километр йўл таъмирталаб ҳолға келиб қолгани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан юк транспорти вазинани назорат қилиш учун ўлчов тарозилари тармоғини кенгайтириш зарурлиғи қайд этилди.

Ҳозирда 9 та шундай тарози ўрна-тилган, 8 тасини ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Келгусида яна 35 та кўчма ва стационар назорат-ўлчов масканини барпо этишға топшириқ берилади.

Мутасаддиларға оғирлик ва габарит назорати билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган идоралараро электрон ахборот тизимини ишға тушириш топширилди. Шунингдек, об-ҳаво шaroитларидан келиб чиқиб, оғир вазлиги транспорт воситалари ҳаракатла-нишини масвумий чеклаш тарти-

Расулов Тожи Маматхоликови — Шеробод туманидаги «Расулов Тожи» анорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Рахимов Ахроржон Ортиқбоеви — Данғара туманида-ги «Best cotton fields» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бош-лиғи, Фарғона вилояти

Рахманова Зоҳида Турғуновна — Сайхунобод тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси бош му-хандиси, Сирдарё вилояти

Рахматов Одил Шарипхонови — Уйчи туманидаги «Уйчи парранда» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наман-ган вилояти

Раҳмонов Муҳиддин Мамуриови — Мирзаобод тумани ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш бўлимининг «Тошкент» ветеринария участкаси мудири, Сирдарё вилояти

Рашидов Шохруҳ Фарход ўғли — Хатирчи туманидаги «Хатirchi invest export» масъулияти чекланган жамияти раҳба-ри, Навоий вилояти

Ризонов Азимхон Холови — Каттакўрғон туманидаги «Азимхон Ризонов» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Самарқанд вилояти

Сауитбаев Марат Шайниязови — «Кармана-Конимех» ирригация тизими бошқармасининг Конимех туманлараро гидроучасткаси канали бошлиғи, Навоий вилояти

Собиров Музаффар Равшанбекови — Қўшкўпир тумана-даги «Муаттар» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти

Турабов Камолхон Зиявидинови — Учкўприк тумани-даги «Зиёвуддин ота орузси» боғдорчилик фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Умаров Гўлмурод Нормуродови — Жондор туманида-ги «Аржуманов чорваси» паррандачилик кластери бошлиғи, Бухоро вилояти

Уринов Икром Шуқруллоеви — Олот туманидаги «Шуқрулло Уринов» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бош-лиғи, Бухоро вилояти

Усмонов Жўрабек Тўланбоеви — Қўштепа туманидаги «Исмоил Жўрабек саховати» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Хамраев Бобир Зоҳир ўғли — Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиғи директорининг биринчи ўринбосари

Хамидов Одил Раҳимжонови — Пискент туманидаги «Уч авод» фермер хўжалиғининг пахта териш комбайни ме-ханизатори, Тошкент вилояти

Хасанова Зарафшон Матёкубовна — Хива туманидаги «Қиёт биосервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Холиков Қодиржон Дадамирзаеви — Косонсой тумана-даги «Наманган пахта текс» масъулияти чекланган жамия-тининг галла ўриш комбайни оператори, Наманган вилояти

Чориев Азамат Маҳаммадиеви — Қамашви туманидаги «ВВU-Azamati» доривор ўсимликлар етиштирувчи масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Шайзаков Икром Уралови — Дўстлик туманидаги «Илхом Шариф» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Шеров Эркин Қурбанови — Пастдарғом туманидаги «Элдор» қорвачилик фермер хўжалиғи бошлиғи, Самарқанд вилояти

Шухратов Сардор Шухратови — Гулистон туманидаги «Жасур Сардор фойзи» кўп тармоқли фермер хўжалиғи бош-лиғи, Сирдарё вилояти

Эркинов Инхамжон Усмонови — Жалақудуқ туманида-ги «Миржаҳон Аслиддин даласи» фермер хўжалиғи сувчиси, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
---	--------------------

Тошкент шаҳри, 2025 йил 9 декабрь

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиғи масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдиқаримова “Маҳаллий ҳокимият органлари ва чегарасолди ҳудудлар ҳамкорлиғи” мавзuida ўтказилган семинарда иштирок этди. Тадбир Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА) томонидан Туркия Республикасида тақшил қилинди.

Семинар

Иштирокчилар муҳокамаларда маҳаллий ҳокимият органлари салоҳиятини кучайтириш, ушбу йўналишда ўзаро таҳриба ал-машиниш рағбатлантириш ҳамда парламент-

лараро алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, глобallasуш шарои-тида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари минтақавий тараққиёт, трансчегаравий та-шаббуслар, халқаро бирдамликни таъмин-лашға хизмат қилади.

МУҲИМИ – ДАРОМАДЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Муҳокама

Таъкидланганидек, 2026 йилда Давлат бюджети харажатлари 402,6 трлн. сўмни, даромадлари эса 368,9 трлн. сўмни ташкил этиши ре-жалаштирилмоқда. Давлат мақсадли

шарт-шaroитлар яратиш мақсадида Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғар-масига 100 млрд. сўм трансфертлар ажратилиши қайд этилди.

Муҳокама жараёнида бюджет да-ромадларини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдала-нишға алоҳида эътибор қаратилди.

Сенаторлар ўз чиқишларида ма-ҳаллий Кенгашлар ваколатлари кен-гайиб, туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишға ва (ёки) туризм-ға ихтисослаштирилган айрим

ҳудудларида мол-мулкни ижараға бе-рувчи жисмоний шахслар учун бел-гиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларғача ўсиб бо-рувчи коэффицентларни жорий этиш каби қатор ваколатлар бери-лаётганиға ҳам тўхталиб ўтишди.

Қўмита аъзолари маскур қонун мамлакатимизда инвестициявий жо-зибадорликни ошириш, ташки икти-содий ҳамкорликни кучайтириш ва ту-ризм соҳасида қулай муҳит яратиш-ға хизмат қилишини қайд этди.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Берлинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси қўмағида юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун «UZ Trade House Germany GmbH» биринчи савдо уйи иш бошлади.



365 КУН:

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт одимлари

Январь

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ТАҚВИМИ

01.01. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.
14.01. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини йўллади.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАЛАРИ

3.01. Банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш чора-тадбирлари бўйича, шунингдек, "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ахборот билан танишилди.
11.01. Электротехника соҳасидаги натижалар ва келгусидаги вазифалар ҳамда транспорт ва логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишилди.
16.01. Инвестицияларни кенг жалб этиш ва экспорт ҳажмини ошириш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги асосий вазифалар муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.
17.01. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ёндашувлар асосида камбағалликни қисқартиришга оид чора-тадбирлар тақдимоти билан танишилди.
20.01. Ҳисоб палатаси томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги асосий вазифаларга оид, шунингдек, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва хизматлар сифатини оширишга доир тақлифлар тақдимоти билан танишилди.
21.01. Паррандачиликни ривожлантириш ва яйловлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишилди.
22.01. Олий таълим ва илм-фан соҳасидаги устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишилди.
23.01. Ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.
27.01. Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили давлат дастури лойиҳаси юзасидан йиғилиш ўтказилди.
28.01. Ижтимоий ёрдамларнинг манзиллилигини ошириш, ногиронлиги бўлганларни парваришлашнинг янги тизимига оид тақдимот билан танишилди. Шунингдек, электр энергетикасини 2025 — 2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.
30.01. Томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича йиғилиш ўтказилди.

РАСМИЙ ТАШРИФ

13 — 16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳайнинг тақлифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф давомида "Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги" саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛЛИК

21.01. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Акихико Танака бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.
22.01. Ўзбекистонда ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Андрей Белоусовни қабул қилди.
25.01. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятидаги "Амирсой" курорт мажмуасида Қирғизистон Президенти Саидир Жапаров билан норасмий учрашув ўтказди.
27.01. Ўзбекистон — Туркменистон сиёсий маслаҳатлашувлари доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.
30.01. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Лукойл" компанияси асосчиси Вагит Алекперовни қабул қилди.

ТЕЛЕФОН МУЛОҚОТЛАРИ

23.01. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Европа Кенгаши президенти Антониу Кошта билан телефон орқали мулоқот қилди ва икки томонлама ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар қўриб чиқилди.
27.01. Давлатимиз раҳбари Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилиб, кўп қиррали шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ

29.01. Президентимиз Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.
30.01. Давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги Ислон Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

ИМЗОЛАНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- 6 та Қонун;
- 16 та Фармон;
- 34 та қарор;
- 9 та фармоиш.

БЕКІЇС ІМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Аҳмад ФАРУҚ,
Покистон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Факултодада ва мухтор элчиси.

Ўзбекистон ўз олдида қўйган ривожланиш стратегиялари туфайли сўнгги йилларда ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг узокни кўзлаган сиёсати туфайли Ўзбекистон имкониятлар мамлакатига айланди. Бу омил хорижий сармоядорларни ҳамда компанияларни мамлакатингизга оҳанрабодек жалб қилляпти. Покистонлик инвесторлар ҳам Ўзбекистонга катта қизиқиш билдириб, мамлакат



бозорига кириб келмоқда. Мамлакатларимиз етакчиларининг мунтазам мулоқотлари туфайли алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Транспорт, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, фармацевтика

ва бошқа тармоқлардаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётир. Узаро савдо ҳажмини яқин истиқболда 1 млрд. долларга етказиш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинган.

Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли бизнинг умумий келажагимиздир. Бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқадиган энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлак яратилади. Бу темир йўл минтақаларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади.

ВАТАННИ УЛУҒЛАШ САНЪАТИ



Равшан ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда спорт сиёсат даражасига кўтарилди. Утган йилларда Президентимизнинг спортга доир ўндан ортиқ Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбек футболига ҳар қачонгидан эътибор юқори бўлди. Айниқса, болалар футболни анча ривожланди.

2024 йили илк бора футбол бўйича олимпия терма жамоаси Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпиадада Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. 206 та мамлакат иштирок этган Олимпиядада ўйинларида атлетларимиз 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортчи билан қатнашди. Мусобақани Ўзбекистон спорт делегацияси 5 та спорт туридан 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза билан умумжамоа ҳисобида 13-ўринда якунлади. Битта Олимпиадада саккизта олтин медални қўлга киритган юртимиз спорт жамоаси Осиё қитъасида 4-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда МДҲга аъзо давлатлар ўртасида 1-ўринни эгаллади.

Тарихга айланган "Париж — 2024" Паралимпияда ўйинларида 168 та мамлакатдан 4,4 минг нафар параспортчи 22 та пара спорт турида баҳс олиб борди. Олимпиадада ўйинларида Ўзбекистонимиз фарзандлари 26 та медал билан 13-ўринни эгаллади.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ УЛУШИ ИККИ БАРАВАРГА КЎПАЙДИ

Садритдин ТУРОБЖОНОВ,
Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, академики.



Президентимиз "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси эканини бот-бот таъкирлайди. Бу мақсадларга эришиш атроф-муҳит муҳофазаси ва иқтисодиётни модернизациялаш ишига хизмат қилади. Шу маънода, сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди. "Яшил" водород ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича илк амалий қадамлар ташланди. Савол туғилади: Ўзбекистонда нима учун "яшил" энергетика ривожига бу қадам катта рағбат ва эътибор қаратилляпти? Чунки, энг аввало, 2030 йилга бориб саноат ҳажмини икки қарра ошириш, металлургия, нефть-кимё ва машинасозлик каби соҳаларни сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтариш мақсад қилиб қўйилган. Умумий қиймати 150 млрд. долларлик 500 дан зиёд йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш қўзланган. Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимизга кафолатли ва барқарор энергия ресурслари сув билан ҳаводек зарур. Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси беш йилда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 млрд. кВт-соатга ўсиши кутилмоқда. Буни, биринчи гада, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қоплаш мумкин. Иккинчидан, глобал муаммага айланган иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тинимсиз изланилаётир.



КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Фарҳод ТЎРАЕВ,
«Ўзавтосаноат» АЖ раиси ўринбосари.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Хитойнинг "BYD" компанияси ҳамкорлигида Жиззахдаги янги заводда "Chazot" ва "Song Plus Champion" моделларини ишлаб чиқариш бошланди. Лойиҳа доирасида 60 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни ўзлаштириш, 1 200 та иш ўрни ҳамда республика бўйлаб 21 та дилерлик ва сервис маркази яратиш кўзда тутилган. Заводда автомобиль кузовларини пайвандлаш, бўяш ва йиғиш учун юқори технологияли усуналар ўрнатилди ва МДҲда ягона бўлган лаборатория очилди. Ушбу корхонанинг жорий қуввати 50 минг дона автомобилни ташкил қилиб, унинг қувватини уч босқичда 500 минг дона автомобилга етказиш режалаштирилган. "BYD" автомобилларининг бутловчи қисмларини маҳаллийлаштириш орқали 2025 йилда электромобиллар қаражатларини камайтириш мумкин.

Бу чоралар Ўзбекистонни электромобиллар ишлаб чиқаришда минтақавий етакчига айлантиради. Бу, ўз навбатида, маҳаллийлаштириш даражасини қўшимча 10 фоизга ошириш имконини яратади. Юртимизда ишлаб чиқарилган "BYD" автомобилларини қўшни давлатларга, жумладан, Қозғистонга экспорт қилиш ҳам жуда муҳим.

СУДЛАР — АДОЛАТНИ РЎЁБГА ЧИҚАРУВЧИ КУЧ

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 июнда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу — Президент талаби!" деган эди. Утган даврда бу талаб асосида суд тизимига катта ўзгаришлар бўлди. Одамларнинг судлар адолатни рўёбга чиқарувчи куч эканига ишончи ортиб бормоқда. Узок йиллар мазкур соҳада ишлаган, унинг пасту баландини кўрган инсон сифатида таъкидлашни истар эдимки, бугунгидек замонлар

халқимиз учун асрлар давомида орзу бўлиб келган. Мен фаолиятим давомида англаган ҳақиқатлардан бири шунки, адолатсизликнинг катта-кичиги бўлмайди. Зигирдек адолатсизлик ҳар қанча кўнглини огритиб, нафратларини экади. Бу эса бора-бора бутун жамиятда ўз аксини кўрсатади. Нафрат ва ғзабга тўлган кўнгилда эса

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ

Аҳмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, академики.



зифалар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларида янада аниқлаштирилган. Давлатимиз раҳбари Орол фожиасини бартараф этиш учун муаммонинг фақат оқибати, яъни таъсиригагина ечим топмай, унинг сабаби билан курашиш

йўлини кўрсатди. Оролнинг қуриб қолган майдонини ўсимликлар билан қоплаб, тузли, заҳарли туззонни тўхтади, унинг ўрнига яшил қопламаларни яратиш зарурлигини илмий асослаб берди. Бу ташаббус дунё ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. 2024 йил Қорақалпоғистон учун баракали келди. Янги саноат корхоналари, туризм масканлари, энерге-

зорлаштириш, Орол фожиаси оқибатларига қарши курашиш ва аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган 2025 йилга мўлжалланган миллий дастури экологик муаммоларни ҳал этишга комплекс ёндашуви намойиш қилади. Глобал экологик кун тартибидеги фаол иштироки (БМТ резолюцияларининг қабул қилиниши) Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш масалаларида Марказий Осиёдаги етакчилик позициясини тасдиқлайди. Шу нуктаи назардан, БАА билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг миллий мақсадларини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий омилларидан биридир.



ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН ДИПЛОМАТИЯ

Суй ТАОВ,
ХХР Давлат кенгашининг Ижтимоий ривожланиш тадқиқотлар маркази ҳузуридаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БААга ташрифи ва "Барқарор ривожланиш ҳафталиги — 2025" (ADSW — 2025)даги иштироки икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб берди. Мазкур тадбир оддий дипломатик ташрифдан фарқли ўлароқ барқарор ривожланиш ва "яшил" иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликнинг стратегик аҳамиятини ифодалайди.

Ўзбекистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда жиддий сазй-ҳаракатларини намойиш этмоқда. 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 50 фоизга етказишдек улкан мақсад БААнинг "яшил" энергетика соҳасидаги ташаббусларига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистоннинг "яшил" технологиялари жорий қилиш, сувни тежаш, қўқалам-

Сенат қўмиталарида



ЭЛЧИЛАР ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистоннинг Индонезия, Малайзия, Саудия Арабистони, Сингапур ва Япониядаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Кайд этилганидек, элчиларнинг фаолияти, асосан, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, олий ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган “йўл хариталари” ижросини таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш, миллий маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, хорижий туристлар оқимини ошириш ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилди.

Хусусан, мамлакатимизнинг Индонезия билан муносабатларида энергетика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва транспорт-коммуникация йўналишларида қўшма ташаббусларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Малайзия билан саноат кооперацияси, рақамли иқтисодиёт ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида “2026 йил учун Давлат бюджетни тўғрисида”ги ҳамда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, “2026 йил учун Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонуннинг мақсади келгуси йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қўмита аъзолари таъкидлаганидек, келгуси йил Давлат бюджетига аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий соҳа мақсадларига устуворлик берилган. Жумладан, Давлат бюджети харажатларининг қарийб 55 фоизи ёки 220,0 трлн. сўми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Шунингдек, 2026 йилда консолидацияланган бюджет дарамадлари 515,8 трлн. сўм, харажатлар эса 567,6 трлн. сўм миқдорда шакллантириляпти. Бунда консолидацияланган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги назарда тутилмоқда.

Мажлисида 2026 йилда солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари қўшилган қиймат солиғи 12 фоиз, фойда солигининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз, қишлоқ хўжа-

лигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи 0,95 фоиз, ижтимоий солиқ 12 фоиз, айланмадан олинadиган солиқ 4 фоиз миқдорда ўзгартирилди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда микрофирма ва кичик корхоналарга солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жараима миқдори пасайтирилмоқда. Жумладан, охириги уч ой ичида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиб келган солиқ тўловчиларга кейинги ҳисоботни 5 иш кунигача кечиктирган тақдирда маъмурий жараима қўлланилмаслиги ҳам белгиланмоқда.

Солиқ кодексига қўшилган қиймат солигининг узлуқсиз занжирини яратиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш назарда тутилмоқда.

Қўмита аъзолари ушбу қонунлар мамлакатимизнинг макроиқтисодий сиёсатида устувор қилиб белгиланган вазифаларни бажариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРГА СОДИҚ ҚОЛИБ, ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Президентимизнинг Конституция кўни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриғида янги парламентимиз томонидан жорий йилда судлар фаолияти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга оид қонунлар ҳамда юртимизда дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, инклюзив жамият, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, кам таъминланган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш бўйича қўллаб қўллар қарорлар қабул қилингани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, халқ ҳокимиятчилиги, вакиллик демократияси, Конституция ва қонун устуворлиги каби конституциявий принципларга бундан буён ҳам содиқ қолиб, ушбу йўналишдаги ислохотлар янада қатъий давом эттирилиши ургўланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бу ҳақда ўз муносабатини билдирди.

Акс садо

Одил судловни амалга оширишнинг ишончли кафолати

Дилмурод АРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Байрам табриғида янги парламентимиз томонидан судлар фаолияти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга оид қонунлар қабул қилинишида халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ифодаси бўлган Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоида ва тамойиллар асос бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, бундай қонунлар янги таҳрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз ва тўлиқ рўёбга чиқарилаётганини тасдиқлайди. Зеро, одил судловни амалга оширишда Асосий Қонун нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилишини таъминлаш ҳамда давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституция қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутувчи қонун судлар фаолиятининг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Мазкур ҳужжат билан “Судлар тўғрисида”ги Қонунга судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга ёки унинг ваколатларини тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга қўра йўл қўйилишига оид норма киритилди. Бу Бош қомусимизда белгиланган устувор нормалардан бири ҳисобланади. Бу дегани судья ўзи олиб бораётган бирон-бир ишни кўриш даврида ушбу ишдан четлаштирилишига йўл қўйилмайди. Масалан, судья ёки судьялар таркиби бир жиноят ишини бошидан охиригача кўриб чиқиб, ҳукм чиқарганига қадар ушбу жиноят ишини кўриб чиқиш ваколати улардан олиб қўйилмайди.

Шунингдек, судьяни бошқа лавозимга ўтказишга фақатгина қонунда белгиланган тартиб ва асосларга қўра йўл қўйилди. Судьяни лавозимдан озод қилиш учун асос сифатида шунинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабаб бўла олмайди. Судья ўз дахлсизлигига ишончи қомил бўлсагина мустақил ва адолатли равишда фаолият юрита олади. Бу эса фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқлари самарали ва реал таъминланишига хизмат қилади.

Шу ўринда амалдаги қонунчилик конституциявий қоидаларга ҳамоҳанг тарзда таъминлаштирилиб, фуқароларга қўлай ҳуқуқий кафолатлар яратилаётганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техникаси воситалари орқали ёзиб олинган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жараима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга 48 соат ичига юборилмаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритилмаслиги белгиланди.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги белгиланди. Яъни шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамқоқ олиш ва сақлашга йўл қўймаслиқка қаратилгандир. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабас корпус” институтини қўллаш қўлами янада кенгайди.

Конституция нормаларининг амалиётдаги таъсир доираси кун сайин кенгайиб, улар умуммиллий ривожланишининг бош мезони сифатида ўз аҳамиятини янада оширмоқда.

Бир Ватаннинг бир мақсадли халқимиз

Гавҳар ОЛИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Конституциямиз муқаддасида Ўзбекистоннинг ягона халқи миллатлараро ва конфессиялараро товуклик, меҳр-оқибат, дўстлик ва барқарорликни таъминлашни ўз олдига қатъий мақсад сифатида белгилангани бежиз эмас. Бу норма нафақат ҳуқуқий асос, балки Президентимиз таъкидлагани-



деқ, “инсон қадрини улуғлаш, жамиятда товуклик ва бирдамликни мустаҳкамлаш” борасидаги янги Ўзбекистон қояларининг амалдаги ифодасига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг байрам табриғида юртимизда дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, инклюзив жамият, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, кам таъминланган инсонлар манфаатларини ҳимоялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш бўйича қўллаб қўллар қарорлар қабул қилингани алоҳида таъкидландики, албатта, бунда Бош қомусимизда белгилан қўйилган халқчил нормалар муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда 157 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Мақтабларда таълимнинг 7 тилда олиб борилиши, миллий телерадио каналларнинг 12 тилда эфирга чиқиши, газета ва журналларнинг 14 тилда нашр этилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 12,7 фоиз, маҳаллий Кенгашларда 11,5 фоиз депутатларимиз турли миллат вакиллари эканлиги — Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг ҳаётда самарали амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир.

Қонунчилик палатаси ҳам ўз фаолиятида миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, яқинда қўйил палатада Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раисининг мамлакатимизда умуммиллий товукликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти эштилди.

Қўмита томонидан миллий маданий марказларни қўллаб-қувватлаш, халқ дипломатияси имкониятларини кенгайтириш, “Дўстлик” фестивали, “Бағрикенглик ҳафталиги” каби тадбирларни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар мамлакатимиздаги дўстлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат фазилатларини янада кучайтиришга, умумий маданий муҳитнинг бойишига хизмат қилмоқда.

Қонунчилик палатасида мазкур соҳада ишларнинг ҳуқуқий асосини янада таъминлаштириш бўйича ҳам зарур чоралар рўёбга чиқаришмоқда. Хусусан, жорий йилда юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган хорижда яшаётган ватандошларни муносиб рағбатлантириш мақсадида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 ва 15-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Мазкур ҳужжатда “Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари амалдаги виза муддатини кўп марталик қилиб ўзайтирганда, шунингдек, улар ва оила аъзолари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда ва рўйхатга олинган муддатини ўзайтирганда давлат божидан озод этилиши назарда тутилмоқда. Бу хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шугулланишлари учун қўлай ҳуқуқий, ижтимоий шароитларни яратишга йўл очиши билан аҳамиятлидир.

Конституциямизда мустаҳкамланган бирдамлик, бағрикенглик ва инсон қадрини улуғлаш тамойиллари барча соҳаларда, жумладан, парламент фаолиятида, жамият тараққиёти ва халқ дипломатиясида ўзининг изчил ифодасини топомқда. Зеро, турли миллат, турли қараш, турли маданияти бўлган халқимизнинг мақсади битта: юрт тинчлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш.

Инсон қадри — тараққиётнинг бош тамойили

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз табриғида таъкидлаганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бош қомусимизнинг муқаддмаси ва янги таҳрирдаги нормалар мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгиллаб, демократия, эркинлик, ижтимоий адолат, бирдамлик тамойилларига сароқатини янада мустаҳкамлади. Шу асосда “инсон қадри учун” тамойили

жамиятимизнинг барча соҳаларида амалда тўлиқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг барча қатлами учун тенг имконият яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий хизматларнинг кўп қисми маҳалла даражасига туширилди, электрон хизматлар кенгайтирилди.

Инклюзив таълим тизими сезиларли ривожланди. 2024 йилда 952 мактабда 1 511 та инклюзив синф ташкил этилди. Сўнги икки йилда эҳтиёжли болалар сони 2,5 баравар ошиб, 5,1 минг нафарга етди. Эътиборли жиҳати, уларнинг 3,1 минг нафари илк бор мактабга чиқди. Жорий йилнинг ўзида ижтимоий ҳодимлар томонидан уй шароитида қолиб кетган 7,5 минг ногиронлиги бўлган бола аниқланиб, таълим ва ижтимоий хизматларга йўналтирилди.

Соғлиқни сақлашда эрта диагностика ва реабилитация хизматлари таъминлаштирилиб, протез-ортопедия воситалари бепул тақдим этилмоқда. Бепул берилadиган воситалар рўйхати 30 тагача кенгайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янги бошқича олиб чиққан муҳим янгиликлардан бири — Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва ҳар бир туманда ташкил этилган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидир. Бугунги кунда 100 дан ортиқ хизматлар “бир дарча” орқали кўрсатилмоқда.

Маҳаллабай ишлаш тизими самараси сифатида жорий йилда 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди.

Давлат бюджетида ҳам ижтимоий ёндашув устуворлиги сақлаб қолинмоқда. 2025 йилда Давлат бюджетида ижтимоий соҳа харажатлари салмоқли улушини ташкил этиб, харажатларнинг 52 фоизи ёки 177,7 трлн. сўми ижтимоий соҳага йўналтирилган бўлса, яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қўнигага асосан келгуси йилда харажатларнинг қарийб 55 фоизи ёки 220 трлн. сўми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Сўнги йилларда ижтимоий соҳадаги қонунлар сони икки баробар ошди. Янги парламентимиз томонидан жорий йилда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга оид қонунлар ҳамда инклюзив жамият, кам таъминланган инсонлар манфаатлари ҳимояси, камбағалликни қисқартириш бўйича қўллаб қўллар қарорлар қабул қилинди.

“Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги, “Давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида”ги, “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонунлар ҳам шулар жумласидан.

Шунингдек, парламент назоратининг муҳим институти бўлган “Ҳукумат соати”да камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий дастурлар ижроси мунтазам муҳокама қилинмоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш — фақат широз эмас, балки барча соҳалардаги амалий сиёсатнинг асосий маъмулидир. Ҳамма йўналишларда инклюзив, адолатли ва фаровон жамият қуриш ишлари изчил давом этиши, шубҳасиз.

Шаффофлик ва ҳисобдорлик

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатимизда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга оид ҳуқуқий асослар яратилган. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бири-биридан ажратилган ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутувчи қонун эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаштиришда, самарадорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Президентимизнинг шу йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳам янги таҳрирдаги Конституциямизда белгилан берилган “халқ ҳокимиятчилиги” тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ этишининг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу Фармон халқимизни ўйлантириб келадиган масалаларга ечим топиш, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини кучайтиришга кенг йўл очишга қаратилди.

Мазкур ҳужжат билан маҳаллий вакиллик органларига қатор янги, амалда муҳим аҳамиятга эга бўлган ваколатлар берилди. Жумладан, давлат қўлмас мулки бўйича ижара ставкаларини белгиллаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун махсус иш ўринларини захирара қўйиш, йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини оширишга ёки

камайтиришга рухсат бериш каби ваколатлар маҳаллий Кенгашлар янада ташаббускор ва халқ манфаатларини ифода қиладиган институт сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, маҳаллий бюджет харажатларининг бир қисми депутатлар ташаббуси билан шакллантирилиши, Кенгашлар қошида жамоатчилик асосида Ёшлар гуруҳлари тuzилиши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раиси ўринбосари институти жорий этилиши назарда тутилди.

Фармон билан тасдиқланган концепция доирасида маҳаллий Кенгашларнинг жойлардаги илхотлар натижадорлигини ошириш ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат олиб бориш борасидаги фаолияти ҳам кенгайтирилади. Хусусан, ҳоким ўринбосарлигига номзодларни тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, Кенгаш сессияларида номзодлар томонидан ўз йўналишлари бўйича ҳудудни ривожлантириш дастурларини тақдим этиш тартиби амалиётга қўйилади.

Умуман айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳар миқёсидаги маҳаллий давлат бошқаруви тамоман янги моделга ўтади. Конституциямизда ҳам акс этган ушбу норма ҳокимият самарадорлигини оширувчи, вакиллик органини кучайтирувчи, халқ овозини сиёсий қарорлар марказига олиб чиқувчи, шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтирувчи илхотдир. Ушбу янги моделнинг моҳияти шундан иборатки, ҳоким — фақат ижро ҳокимияти раҳбари бўлса, Кенгаш — мустақил вакиллик органи ҳисобланади. Янги илхотга қўра, Кенгашларнинг ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш имконияти кенгайди. Жамоатчилик назорати кучайиб, аҳоли вакиллари билан мулоқот сезиларли жонланади.

Вакиллик органлари халқ овозига айланмоқда

Шўхрат ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Конституция — халқ иродаси ва сиёсий-ҳуқуқий тафаккуримизнинг ёрқин ифодаси, янги тараққиёт йўлимизни белгиллаб бeрyвчи асосий “Йўл харитаси”дир. Бугун янги таҳрирдаги Бош қомусимиз нормалари ҳаётимизга чуқур кириб, сиёсий-иқтимоий тизимимизнинг янги қиёфасини шакллантирмоқда.

Байрам табриғида мамлакатимизда давлат бошқарувининг асосий қоидаси — “Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” деган тамойил ҳаётда тобора мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бу эса сиёсий тизимни илхот қилишда эришилаётган энг муҳим ютуқлардан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда парламент ва маҳаллий Кенгашлар нуфузи ошди, уларнинг қарор қабул қилишдаги роли кучайди. Парламент қонун илхотдорлиги жараёнини янада очик ва таҳлилга асосланган ҳолда олиб бормоқда. Хар бир қонун инсон қадри, адолат тамойиллари, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги парламентимиз фаолияти, айниқса, устувор йўналишлар бўйича қўллаб қўллар қарорлар қабул қилинганлигини таъкидланиши олий вакиллик органи фаолиятига берилган юксак баҳодир.

Ўтган даврда маҳаллий Кенгашларда 25 мингдан ортиқ масалалар муҳокама этилган, 14 мингга яқин депутатлик сўровлари юборилган — халқ манфаатларига таянадиган вакиллик органлари фаолияти янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Аҳоли билан тизимли ўрашувлар, мансабдорлар ҳисоботини талаб қилиш, маҳаллий бюджет ва дастурларни тасдиқлаш жараёнларида депутатлар фаол иштирок этимоқда. Демак, халқнинг овози тобора тўғридан-тўғри қарорга айланмоқда.

2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳарларда ҳоким ва Кенгаш раислари ваколатларини ажратиш тўлиқ амалга оширилиши эса демократиянинг муҳим омилларидан бири — ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалда мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кунга қадар мазкур жараённинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Парламент томонидан тегишли қонунлар қабул қилинди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ҳузурида алоҳида қотибятлар ташкил этилиб, Кенгаш депутатларининг салоҳияти оширилди.

Туман ва шаҳарларда ҳам ҳоким ва Кенгаш ваколатларининг ажратилиши тийиб туриш ва мувозанатли таъминлаш принципи амалга тўлиқ жорий этилишига, Кенгашларнинг таъсири, нуфузи ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини янада оширишга кенг йўл очади.

Бу, ўз навбатида, парламент ва вакиллик органлари олдига ҳам қўйилган ва ўта масъулятли вазифаларни кўймоқда. Биз, депутатлар, халқ вакиллари, Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда амалда ҳаёт мезонига айланиши учун масъулимиз.

«Халқ сўзи».

2026 йил 1 январдан «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)» мақомидаги 33 та туман (шаҳар)да фаолият юритувчи давлат органларида кадрлар ротацияси тизими жорий этилади.

<